



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШДА АҲБОРОТ ТЕҲНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, капитан

Рўзиев Жавоҳирбек Сайиджон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 208-  
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14989059>

### ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 7th March 2025

### KEYWORDS

ҳуқуқий асослар, якка тартибда  
профилактика, профилактик  
ҳисоб, профилактик ҳисоб асослари,  
ахборот теҳнологиялар.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг ҳуқуқий асослари, профилактик ҳисобга тушувчи шахслар тоифалари, профилактик ҳисобга тушиш асослари, ахборот теҳнологиялар ёрдамида профилактик ҳисобни амалга ошириш йўллари ва таклиф ва тавсиялар ҳақида сўз юритилган.

Маълумки, жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ, биз қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида якка тартибдаги профилактиканинг профилактик ҳисобга олиш фаолияти ўзи ҳам муайян ҳуқуқий асослар замирида ташкил этилади, қонунга асосланмаган ҳар қандай фаолият нафақат ҳуқуқий демократик давлат принципларига зид, балки амалдаги ҳуқуқ-тартиботни таназзулга олиб келади. Сўнгги йилларда йилдан йилга ахборот теҳнологиялари соҳаси ривожланиб бормоқда. Бежизга XXI аср ахборот теҳнологиялари асри деб аталмаган.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёевнинг Ички ишлар тизими ходимларига йўллаган табригида “ИИВ тизимидаги ислоҳотларга тўхталиб, ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини инновацион ёндашувлар, рақамли теҳнологиялар ва илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти, қадр-қиммати ва мол-мулкни кибермаконда ишончли ҳимоя қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида самарали методикалар ишлаб чиқиладиганини”<sup>1</sup> алоҳида таъкидлади.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий тартибни белгилаб берувчи ҳуқуқий асосларнинг тизими, уларни қўллаш аҳволи таҳлил қилинади.

<sup>1</sup> Ички ишлар тизими ходимларига йўллаган табригида  
<https://sputniknews.uz/20221025/shavkat-mirziyoev-iio-insonparvar-va-xalqchil-tizimga-aylantirilayotganini-malum-qildi-825.html?ysclid=m6szyr7hzm138596494>

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кунида 371-сон яъни “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ва унинг чора-тадбирларини белгилаб, уларни қўллашда ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш устувор эканлиги кўрсатиб берди. Шу боисдан мукамал ва ўйланган, амалга оширилган хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасигина ижобий натижаларга эришишни таъминлаб, якка профилактика йўналтирилаётган шахсга ижобий таъсирлар ўтказилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда, хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг аниқ тушунчасини ва унинг чора-тадбирларини белгилаб берди.

Жумладан, қонуннинг 28-моддасида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари қўйидагича ёритилган: “Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг объектлари хуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар ҳисобланади. Жумладан, ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи шахслар, маъмурий хуқуқбузарлар, вояга етмаган хуқуқбузарлар, диний экстремистик ва террористик оқим аъзолари, вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар, сурункали ичкиликбозлар, гиёҳвандлар, ижтимоий хавfli тажовузкор руҳий касаллар ва бошқалар. Якка тартибдаги профилактика фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий хулқнинг энг охириги даражасигача етишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймасликдан иборат чекланган вазифани ҳал қилади.

Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур соҳавий хизматдаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Унга кўра, ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш, вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса, уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди<sup>2</sup>.

Профилактик ҳисобга олиш “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран хуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари комплекси<sup>3</sup>. Ички ишлар органларининг якка тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасига асосан якка тартибдаги

<sup>2</sup> 2021 йил 29-ноябрдаги “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ” ги 27-сон фармони.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.

профилактика объектининг тоифалари кўрсатиб берилган. Унга асосан профилактик ҳисоб қуйидаги шахсларга нисбатан юритилади.

– илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг, бундан ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар мустасно;

– ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга 71 кирган шахсларга;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахсларга;

– ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165<sup>1</sup>, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 187, 188, 188<sup>1</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 201, 202, 202<sup>1</sup>, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга;

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга<sup>4</sup>.

Профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида туман, шаҳар ички ишлар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Умуман олганда, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади. Агарда шахс профилактик ҳисобга олинган давр мобайнида унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарлиги билан профилактик ҳисобга олишнинг янги асослари вужудга келганда, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан амалга оширилади. Шахс муайян асосларга кўра профилактик ҳисобга олингани каби уни профилактик ҳисобдан чиқариш учун ҳам маълум бир асослар юзага келиши талаб этилади. Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, уни ҳисобга олиш янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

Тадқиқотлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш қанчалик юқори даражада бўлса, Жиноят кодекси нормаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда профилактика хизматларидан ўзларининг барча йўналишлар бўйича фаолиятини амалга ошириш жараёнида албатта жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга оширишни талаб қилади.

Профилактика инспекторлари томонидан ҳозирги кунда профилактик ҳисобга олиш электрон тартибда амалга ошириш йўлга қўйилган. Яъни профилактика инспекторлари “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган 6 та асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда “Профилактик ҳисобга олиш тўғрисида” қарор чиқариб ушбу профилактик ҳисобга олинган шахс ҳақидаги маълумотларни планшет базасига жойлаштирилади. Ҳар ойда қилинган ишларни планшет қурилмасига жойлаштириб борилади.

Профилактика инспекторлари профилактик ҳисобни амалга оширишда ахборот технологиялари қурилмаларидан мунтазам фойдаланилмоқда. Планшет қурилмаси ёрдамида шахснинг қандай ҳуқуқбузарлик содир этганлиги, ушбу содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қарорини олиш имкониятлари мавжуд. Ушбу планшет

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.

қурилмасидан олинган маълумотларни профилактик ҳисобни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни тақлиф қилиш мақсадга мувофиқ:  
Биринчидан шахсни профилактик ҳисобга олишда тўлиқ қоғоздан воз кечиб электрон тартибга ўтиш.

Иккинчидан барча профилактик ҳисобга олишда профилактика ишини тўлиқ рақамлаштириш.

Учинчидан профилактик ҳисобга олиш учун асослар мавжуд бўлганда электрон тизим яратиб ушбу электрон тизим профилактик ҳисобга олиш қарорини шакллантириш.

Тўртинчидан ҳисобга олишнинг барча ҳужжатларини электрон тартибда амалга ошириш.

Бешинчидан ҳар ой профилактик суҳбатларни расм ва қисқача видеосини планшет базасига юклаш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 08 июлдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги 431-сон қарор қабул қилинди.**

Ҳужжат Президентнинг 5.10.2020 йилдаги «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон ҳамда 24.11.2020 йилдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6118-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Қарор билан Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими (кейинги ўринларда – «E-ma'muriy ish» тизими) орқали маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди.

Низомда қуйидагилар назарда тутилган:

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш ҳужжатларини электрон шаклда расмийлаштириш ҳамда уларни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органларига (кейинги ўринларда – ваколатли органлар) электрон шаклда юбориш тартиби;
- ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, жабрланувчи, гувоҳ ва холислар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилиш қоидалари;
- ваколатли органлар ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг ягона марказлаштирилган электрон тизимини юритиш тартиби;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ваколатли органлар томонидан жойида планшет ва компьютер ёрдамида расмийлаштириш тартиби;
- маъмурий баённома ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни электрон шаклда расмийлаштириш қоидалари.

Ички ишлар вазирлиги «E-ma'muriy ish» тизимини ташкил этиш, унинг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича масъул орган ҳисобланади.

Қуйидагилар белгиланди:

- «E-ma'muriy ish» тизимини юритишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар гувоҳ, жабрланувчи, холис ва ҳуқуқбузарнинг шахси электрон рақамли имзодан (бармоқ изи ёки график имзодан) фойдаланган ҳолда идентификация қилинади. Ишни кўриб чиқаётган ваколатли органларнинг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва ишга тааллуқли ҳужжатлар QR-код билан тасдиқланади;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органлар томонидан текшириш, зарур маълумотларни олиш ва улардан фойдаланиш «E-ma'muriy ish» тизими орқали амалга оширилади;
- «E-ma'muriy ish» тизимидаги маълумотлар ваколатли органларнинг мансабдор шахслари фойдаланадиган маълумотлар ҳисобланади ҳамда улар ушбу маълумотлар билан фақат қонунчилик ҳужжатлари билан зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун танишиши ва фойдаланиши мумкин.

2021 йил 1 сентябрга қадар Молия вазирлигига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, МБ, Олий суд, Бош прокуратура, ИИБ билан биргаликда суд қарори билан ёки бошқа сабабларга кўра бекор қилинган маъмурий жарималарни ёки камайтирилган жариманинг фарқи суммасини автоматлаштирилган тарзда фуқароларга қайтариш механизмини яратиш топширилди.

Шунингдек 2021 йил 1 сентябрга қадар Транспорт вазирлигига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда «E-ma'muriy ish» тизимидан фойдаланган ҳолда автотранспорт воситаларини жарима майдончаларига қўйиш ва уларни чиқариш тартибини электрон форматга ўтказиш топширилди<sup>5</sup>.

Ҳулоса қилиб айтганда профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасининг профилактик ҳисобга олиш чора-тадбирини ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширса профилактик ишларнинг самарадорлиги янада ошган бўлар эди. Профилактика инспекторларига профилактик ҳисобда турган шахсларни назорат қилиб бориш янада қулай бўлади. Ушбу ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилган профилактик ҳисоб натижасида маҳаллада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншига хизмат қилади. Мамлакатимизда жиноятчиликнинг камайишига эришилади. Келажакда ҳам замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш кераклигини даврнинг ўзи тақазо қилмоқда.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ички ишлар тизими ходимларига йўллаган табригида <https://sputniknews.uz/20221025/shavkat-mirziyoev-ijo-insonparvar-va-xalqchil-tizimga-aylantirilayotganini-malum-qildi-825.html?ysclid=m6szyr7hzm138596494>
2. 2021 йил 29-ноябрдаги “Ўзбекистон республикаси жамоат ҳавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ” ги 27-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликларпрофилактикаси тўғрисида»ги Қонуни// URL: <http://www.lex.uz>.
4. ugli G'ofurov AA, o'g'li Mustofaqulov BA HUQUQIYATCHILIKLARNI profilaktika xizmatida KADRLARNI TAYYORLASHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH //XALQARO ILMIY KONFERENSIYA” ILMIY ILMIY ILMIYATLAR VA INNOVATION YAZILISHI”. – 2024. – V. 1. – Yo'q. 2. – B. 16-22.
5. o'g'li Mustofaqulov BA, o'g'li Du'smatov S.R. OZODLIGINI CHEKLASHGA HUK ETGAN SHAXSLAR BILAN ISHLASH // New Science Society International Scientific Journal xabarnomasi yangiliklari. – 2024. – V. 1. – Yo'q. – B. 188-192.

<sup>5</sup> [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/mamuriy\\_huquqbuzarliklar\\_tugrisidagi\\_ishlar\\_elektron\\_shaklda](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/mamuriy_huquqbuzarliklar_tugrisidagi_ishlar_elektron_shaklda)

6. ugli G'ofurov, Asilbek Avaz, va Bobur Asror o'g'li Mustofaqulov. "HUQINCHIYATLAR profilaktikasi xizmatida kadrlarni ta'lim olish samarali tizimini takilish". *xalqaro ilmiy konferensiya" ilmiy ilimlar va innovatsion yondashishlar"* . jild. 1. Yo'q. 2. 2024 yil.
7. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). Ozodlikni cheklashga hukm qilingan SHAXSLAR BILAN ISHNI TASHKIL ETISH BO'YICHA XORIJIY DAVLATLARNING IQTISODIY TAJRIBASI. *New Science Society International Scientific Journal nashri yangiliklari* , 1 (6), 193-200.
8. [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/mamuriy\\_huquqbuzarliklar\\_tugrisid\\_agi\\_ishlar\\_-\\_elektron\\_shaklda](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/mamuriy_huquqbuzarliklar_tugrisid_agi_ishlar_-_elektron_shaklda).

